


# TAFAKKUR ZIYOSI

*ilmiy-uslubiy jurnal*  
Тафаккур зиёси 2/2020



“Китоб одамларнинг  
онгу тафаккури,  
дунёқарашини  
ўзгартириш,  
маънавий савиясини  
юксалтиришнинг  
энг таъсирчан  
воситасидир”

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## **БОШ МУХАДРИР**

Шавкат ШАРИПОВ -  
педагогика ф. д., профессор

## **БОШ МУХАДРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ**

Усмонжон КОСИМОВ - фил. ф. д., доц.  
Ғайрат ҚОДИРОВ - биол. ф. н., доц.

## **МАСЪУЛ КОТИБ**

Бекзод МИРЗАЕВ

## **ТАХРИРИЯТ:**

### **ТАРЖИМОНЛАР:**

Эльдар ХАСАНОВ  
(рус-тили)  
Гулрух НОРБЕКОВА  
(инглиз тили)

### **САХИФАЛОВЧИЛАР:**

Гулжакон ҚОДИРОВА  
Феруз РАҲМОНКУЛОВ

Журнал андозаси Ахборот  
технологиялар марказида

**Собир СИБГАТУЛЛИН**  
томонидан тайёрланди

**Муассис — Жиззах давлат  
педагогика институти**

Журнал йилда 4 мартаба  
(ҳар чоракда) чоп этилади.

Матнлардан фойдаланилган кўчирма  
ва маълумотлар аниқлиги учун  
муаллифлар масъулцилар.

Журналдан кўчириб босилгандан  
манба қайд этилиши шарт

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг Филология, фалсафа ва педагогика фанлари бўйича эксперт конгаси (2018 йил 29 дакабрдаги 260/б-сон баённомаси) тавсияси билан зарурий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал Жиззах инжоати Ахборот ва сийозий коммуникациялар бозоримасидан 2020 йил 25 апрелда  
06-042 раҳам билан қайта рўйхатга олинган. Журналинг халқаро ISSN раҳами: 2181-6131

**МАНЗИЛ:** 130100, Жиззах шахри,  
Ш.Рашидов юнуси, 4-й, бом бино  
**ТЕЛЕФОН:** (99872) 226 02 93,  
(99890) 643 29 64  
**ФАКС:** (99872) 226-46-56

## **ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:**

Анатолий САГДУЛЛАЕВ - тарих ф. д., академик

Комилжон ТОЖИБОЕВ - биология ф. д., академик

Жак МИКЛОВИК - INSHEA университети профессори (Франция)

Василия КОЧУРКО - техника ф. д., Баранович ДУ профессори

Гульсим ЛЕКЕРОВА - психология ф. д., профессор

Фуркат ЖЎРАКУЛОВ - сиёсий ф. д., доцент

Сарвар НАЗАРКОСИМОВ - социология ф. ф. д., (PhD)

Абдуғани ХОЛБЕКОВ - социология ф. д., профессор

Бахтиёр ТЎРЛАЕВ - фалсафа ф. д., профессор

Бахти очилова - фалсафа ф. д., профессор

Қозоқбай Йўлдошев - педагогика ф. д., профессор

Умрзок ЖУМАНАЗАРОВ - филология ф. д., профессор

Абдуғафур МАМАТОВ - филология ф. д., профессор

Рахматулла БЕКМИРЗАЕВ - физ.мат. ф. д., профессор

Гулназар АГЗАМОВА - тарих ф. д., профессор

Ҳамид МЕЛИЕВ - педагогика ф. н., профессор

Худойберган МАВЛОНОВ - биология ф. д., профессор

Қўнқор ҲАКИМОВ - география ф. н., профессор в.б.

Рустам АБДУРАСУЛОВ - психология ф. д., профессор в.б.

Зухра ЯХШИЕВА - кимё ф. д., доцент

Абдунаби ҲОТАМОВ - фалсафа ф. н., доцент

Мухторқул ПАРДАЕВ - тарих ф. н., доцент

Раббим ЮСУПОВ - техника ф. н., доцент

Олег КИМ - филология ф. н., доцент

Абдували Шамсиев - иқтисод ф. н., доцент

Камолиддин Зайиров - педагогика ф. н., доцент

Суннатулла СОИЛОВ - филология ф. н.

Юлдуз КАРИМОВА - филология ф. н.

Омон ИСАРОВ - филология ф. н.

Шерали АБДУРАИМОВ - пед. ф. ф. д., (PhD)

Феруза ЖУМАЕВА - филология ф. ф. д., (PhD)

**"ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ"  
МАТБАА БЎЛИМИ**

Жиззах шахри, Шариф Рашидов юнуси, 4-й  
2020 йил 28 июня куни босмахонага топширилди.  
Коғиз бичими А4 Буюртма:  
Нашр ҳадди: 100



# МУНДАРИЖА

## БОШ МУХАРРИР МИНБАРИ

Шавкат ШАРИПОВ. Тэзлим ва илм-фан уйгурлуги - мислии таржумаси в зрииш хафолати.	3
ТАКВИМ: ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИДАГИ ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА	

Усмонжон КОСИМОВ, Салура НЕЙМАТОВА. Жаҳон шеърмизининг еркин саҳифасиги.	5
--	---

## ДЕДАЛОГИКА ВА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯ

Гульсим ЛЕКЕРОВА, Гулъям АРИФХОДЖАЕВ, Комил МУРОДМУСАЕВ. Закон О статусе педагога как историческая инициатива, выражающая профессиональные проблемы педагогической деятельности.	9
Феруза ЗАКИРОВА, Аззам БЕГБУТАЕВ. Олӣ таълимда меъзуруга машгулотларини ташкил этишининг замонийи усулини.	12
Мавлуда НОСИРОВА. Педагогика олий ўкую ортларида кредит-модул тизимини ташкил этишининг ўрмига охимиши.	16
Фарҳод РАФИЕВ. Талабаларниң касбий маҳоратини ривожлантиришда компетентликка асосланган ёндашув.	18
Жаҳонгир МАИНОНОВ. Бўлажак касб таълими ўқитувчилари тайёрлашда инновацион риҳоҳашни тизими.	20
Закир РАХИМОВ. Ўку-билим флагманитим комплекси ёндашув асосида ташкил этиши.	22
Ширин КАМОЛОВА. Талабаларниң дунёдаришини бойитиш муммияти.	26
Санобар СИДДИҚОВА, Сардор ЮЛДОШЕВ. Таълим самарадорларини оширишда итторғонлук усули.	29
Наргиза ХУШИЕВА. Ёшлар мазнавий тарбияси - таржудёт омили.	31
Дилғузга КАРШИБОЕВА, Раъно МАМАРАЙИМОВА. Ион Сино қарашлари асосида ёшларда ижобий сиратларни оширишни.	34
Назира ПУЛАТОВА, Шоҳида АҲМЕДОВА. Касбий малакани оширишда - ахборот технологияларнинг ўрхи.	36
Фарида ИСРОИЛОВА, Шахноза ШАКАРБОЕВА. Абу Райхон Берунийдаги сарояном азод тарбиеси жаҳидли кариёвиги.	39
Насиба БАЙТУРАЕВА, Муқаддас СОИЛНАЗАРОВА. Ёнлар камолотиди аждодларнинг мажбий муроҳисен фойдаланиш.	42
Роҳим УМАРОВ, Шоҳруҳ ИСОКОВ. Ўқулчиларди сизкор энергиясидан тежемли фойдаланиш кўнинмаларни шакллантириш.	44
Хамид МЕЛИЕВ, Шахноза БУРАНОВА, Дилшод АБДУЛЛАЕВ. Расплини преемственности мажбияти, сомали и дошконий образовательной организаций.	46
Даврон АЛИБЕКОВ. Таълим тизими и ривожлантиришда интерфаол методларнинг ўрми.	49
Собир АЛИБОЕВ. Электрон таълим - ўқитиш сифатини оширишнинг замонийи асосигаси.	52
Сойиб ТОЖИБОЕВ, Алишер ОЛИМОВ. Жисмоний маданият назарияси ва методикасини масофалий ўқитиши мобиль иловаларнинг ўрми.	55
Фурқат АҲМЕДОВ, Мекринигор ЯҲШИЕВА, Надир КУЛБОЕВ. Талабе кизлар жисмоний маданиятини тақомиллаштиришни педагогик олимили.	57

## ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

Бахти ОЧИЛОВА, Сарвар НАЗАРКОСИМОВ. Жамоатчилик назоратининг фуқаролик жемийтини барои этидаги ўрни ва роли.	59
Лутмон ЖЎРДАЕВ. Инсан капиталами ривожлантиришнинг фалсафий таҳдиди.	63
Акбар САИТКАСИМОВ. Социалъни-философский анализ модернизации и инновационного развития социальной сферы в Узбекистане.	66
Шуҳрат ТУРАТОВ. Ёшларда фуқаролик маъсулнинг шакллантириши жемийт барқарорлигининг муҳим омили.	69
Маргаба МЕЛИКОВА. Гражданские позиции Алишера Назова.	72
Санжар КАРИМОВ. Ҳадий мисқишилар ва уларнинг ёшларни тарбиялашдаги охимиши.	74
Имод АҲМЕДОВ. Таржидёт жароённинг милодий тоғанинг тъсир.	78
Гулчехра НАВРУЗОВА. Барзудун Накибанд таъломути Яъкуби Ҷарой тавсифида.	80
Абдулла АБДУХАЛИЛОВ. Матемурор искорхат тушуннасиинг ижтимоий сиесий мөрояти.	82
Лола КАРИМОВА. Абдурраҳмон Жомий "Бахористон" асаридаги бундкор тоғани.	84
Гулчехра АГЗАМОВА. Рисмий күнжаллар - Бухоро ҳонлиги ҳунармандлигига бўйича муҳим манба.	86
Тўйчи АҲМЕДОВ. Ўзбекистонда давлат телеканаллариниң риошлаланиши босқичлари.	89
Рашид ХОЛМУРОДОВ, Бекзод НАЗАРОВ. Тарихий ўлкашуносликни йрганишда мөъморчилик манбаларидан фойдаланишни оламти.	91
Оқмирза АННАҚУЛОВ, Раъно МУНАРОВА. Иктидорнинг ижтимоий - философий таҳлили.	93

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

GLENAT Jean-Marc. "Including heterotopias: exploring the uses of Argentine tango in the world of disability".	95
Абдужаббор БОЙМАТОВ, Абдулазиз БАЙМАТОВ. Лексические связи тюркских языков с инициативами.	98
Сунатулла СОЙИЛОВ. "Рискат уш - шукӯҳ" асари хусусида вайрим мулокоталар.	100
Мая Э.М. Вариантность фразеологических единиц и некоторые способы их выражения в христиано-немецко-иранских фразеологических словарях.	104
Абдужаббор УСМОНОВ. Глобаллашув шароитидар жарҳи тилораммий муммилори.	105
Турсунали ЖУМАЕВ. Ботир, Бахорир сўсиширмий лексик-семантик хусусиятлари ва уларнинг презентациялари.	108
Матъифат РАЖАБОВА. Лугзлада топишмокха хос жандай хусусиятлар стилистикаси.	112
Дилором ХОДЖИМЕТОВА. Рус ва забек адабистиниң буюк номбералари.	115
Феруза ЖУМАЕВА. Йосма сўзларига сомлий таҳлили усулиниң ўрганиши.	116
Хуршида НАРХОДЖАЕВА. Жарҳийни лагувчи ясама терминларини тартибга солиш масалалари.	120
Гулбахор ТОЖИЕВА. Йилгасидаги манзучий-масъидий холат ва тиллексик тадқиқи муммилори.	123

# МУНДАРИЖА

Татара КАИЛОВА. <i>The internet in the process of teaching a foreign language</i> .....	125
Намоз КАРИМОВ. Рус тилинин нуткүй фасилитациянын устирицида осталык макулдурлардын ахэмияти.....	128
Феруза ШУКУРОВА. Роль коммуникативной компетенции в обучении иностранным языкам.....	130
Феруза КАСЫМОВА. Современные педагогические технологии, обостряющие качество обучения на уроках русского языка в школах.....	133
Сурайя ЭШАНКОЛОВА. Аналитика образовательного генома (Нодире иккди миссондор).....	134
Кулдос ПАРДАЕВ. Мұжының жаңылай асарлары мәнбасынан көсіп тақыла.....	137
Зулфия ПАРДАЕВА, Феруза ТУРДИБАЕВА. <i>Ішерінде нур шарын талқыни</i> .....	140
Маргуба МИРҚОСИМОВА. Мұхаммад Юсуғниннан позитив образ яратыши макорлары.....	143
Шахло БОТИРОВА. Бадий психологиясын критерийлери ва замыннанын ўзбек романчилари.....	146
<b>ПСИХОЛОГИЯ ВА ИНКЛЮЗИВ ТАЛДЫМ</b>	
Гульсум ЛЕКЕРОВА, Гулям АРИФХАДЖАЕВ, Комил МУРОТМУСАЕВ. Психологические позиции Аль-Фарabi и их влияние на развитие психологической науки, государственной политики в Казахстане.....	149
Махматмурод ШОМИРЗАЕВ. Мектеб технология талдымда халк хунармандылыштагы психология-педагогик имбиджлары.....	154
Насиба АХМЕДОВА, Нурсултан АНОРБОЕВ. Ўқынчылар компетентлик сифаттарының ривохтандырылышынан психологиялық аспасыры.....	157
Дилфуз МУСАЕВА. Интерактивные методы преподавания дисциплины "Клинические основы нарушений в развитии детей".....	159
Отабек БАХРОМОВ, Рустам АБДУРАСУЛОВ. Ең футболисттарда күттегінде да ишончны күчтегіруүнүү мотивациянын ахэмияти.....	162
Руслан АРИФХОДЖАЕВ, Мұхаммаджазизхұја ЖҮРАХҮЖАЕВ, Марғабо АРИФХОДЖАЕВА. Л. С. Выготскийнинг инсон психологиясында оқытушылардың жаһары.....	165
Нодира ТОШПУЛАТОВА, Азиза КОМИЛОВА. Бояча ешиздиги библиография хиссияттарыннан ғылыми жарылышы.....	169
<b>ТАБИЙ ВА АНИК ФАНЛАР</b>	
Зулра ЯХШИЕВА, Ахбар БОЙКУЛОВ, Умида ХУДОЙБЕРДИЕВА. Төрпеллар мазусуның замонавий педагогик технологиялардан фойдаланып жүргүнчі.....	171
Наргиза МХМЕНОВА, Зеби ЮНУСОВА, Комила РАШИДОВА. Киме фанниң үйкитиңде күлланилған интеграциялық оюндар.....	173
Шавкат ШАРИПОВ, Дилафуз МУРАДОВА, Гулжәне ОЛИМОВА. Табиий манбалар асасында ақсетилен спирттарда нитрилдар синтезининг педагогикалық аспасыры.....	176
Ғайрат КОДИРОВ, Шохсанам КАМОЛОВА. "Авеста"да экология тарбыя мәсшәттеріниннан үзінгі хос хүснисшілдөр.....	180
Bakhmatilla BEKMIRZAYEV, Xurganov BEKMIRZAYEVA, Dilshad RAUPOV, Zilola IGAMOULOVA, Bakhtiyor NAVIYEV. Suffa radio observatory in Uzbekistan: progress and radio-sounding research plans.....	182
Эргаш КУРБОНОВ, Абулқосым ПАРМАНОВ, Шерзод ФАЙЗУЛЛАЕВ. Минковский фасисида циклик сиртлар.....	184
Ибрхим ХАТАМОВ. Мектебдеги мөвеккүлдеге геометрия элементларынан фойдаланып хүснисшілдөр.....	186
Диларо НУСРАТОВА. Дарсның интерфейсінде тақыяның этишининнан ахэмияти.....	189
Миржалол ШЮДМОНҚУЛОВ, Йигитали ХАНДАМОВ. Бир жиңсли пластинканы симметрик киәздидиң шарттарын оптималданыспайдың масаласы.....	193
Жемшид ЭРГАШЕВ, Алишер БЕРКИНОВ. Күшті батареялардан оныннан зерттеудеги энергиясының ағзасылдары.....	195
<b>САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАР</b>	
Хасанхон ОМОНОВ, Гулжәне ДУСМУХАММЕДОВА. Ўзбек салынатында мұмкоз мүсіншілік үрнө.....	199
<b>ЖАВОНДАГИ ХАЗИНА</b>	
Фарход НОРБЕКОВ, Равъю НОРБЕКОВА. Артур Конан Дойл иккода илмий фантастика.....	202
Олең КИМ, Назира МУХИТДИНОВА. О принципах портретной характеристики в романах А. Белого "Петербург" и Д. Джойса "Улис".....	204
Зулфа МАМАДАЛИЕВА, Мағнұна ЮСУПОВА. «йтакунтар» романында дәст обознаның тәсілі.....	207
<b>ЁШ ТАДДИКӨТЧИЛАР</b>	
Элмира ҲАЗРАТҚУЛОВА. "Бобурнома" да "Тарихи Рашидий" да тәзкирәттеги хос хүснисшілдер ифодасы.....	209
Камола РАХМАТЖОНОВА. Ўзбек тилинде хелишилдердин үргүлмаптық тарихи.....	212
Мұхаддес ТҰРДАБОЕВА. Башланғынан симф она тиля тағылымнан мәншік да толышынаның фойдаланыши.....	216
Наргиза БҮРНЕВА. Шекспир соңғыларының яркожаңылымынан қоғажастида ғраждан миссияті.....	219
Обид АЗИЗОВ. Ўқынчыларда коммуникатив компетенцияның имплементацияның өндөшүші асасында шаклаланыши.....	222
Хикматилюлло ДУСМАТОВ. Харбий ағищелік тағылым тизимиңнен башқарыши методологиясы да концептуал аспасыры.....	224
Равъю ЗАРИПОВА. Фразеологик бириккүлдерге хос түрлі нормалары.....	228
Соҳибжон БОЙСИНОВ. Адабиёт тарихиуда шөрбий шакларда орасында түрліліктерининнан үрнө.....	230
Гулназа ГАНИЕВА. Хәзирги заман инглиш тағылымдарының топонимларыннан лингвокультурологиялық жиһаттары.....	233
Анвар РҮЗИЕВ. Мұтазағайырлардың дүниәларашы да фәлмияттың тадқындығының ахэмияти.....	236
Нисром ТАНГИРОВ. Флиппердеңдешүү шаклаланышининнан аспасыры.....	240
Гулрух НОРБЕКОВА. Чет тиля ғражданынан түркі масаласынан таснифи да ахэмияти.....	243
Дилафуз САРИМСАКОВА. Бұлжак жүйегүлчіларының социолингвистик компетенцияларының мәсөфөлік тағылымнан ахэмияти.....	246
Дилафуз ФАФФАРОВА. Шекспир трагедияларыннан практикалық да дискурс тәжілімі.....	249
Феруза ОРИПОВА, Мұхәмәт ПҮЛДАТОВА. Шахснинг интелилектуал да иккодай физикаларының шаклаланышида тағылымнан ахэмияти.....	251
Жемшид ОРИШЕВ. Бүйіржыл технологиялық тағылым жүйегүлчіларының тағылымнан ахэмияти.....	254
Феруза РАХМОНҚУЛОВА. Компьютер графикасының үйкитиңде калыптанып портфолиосының яратылған ағзасылдары.....	258
Дилшод ЮНУСОВ. Телебаяларда педагогик күткіншіліктердегі ғылыми жекемелер.....	261

# МУҚИМИЙ ҲАЖВИЙ АСАРЛАРИ МАНБАСИННИГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Кўлдош ПАРДАЕВ - филология фанлари доктори, доцент в.б.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

**АННОТАЦИЯ:** Муҳаммад Аминхўжа Муқимий асарларининг нашрлари матнини шоир дастхат ба-  
залари билан қиёслагизда, аксарият шеърий асарлар матни аслиягига мунофиқ замаслиги мавзум  
бўди. Чунки шура дини мағкураси талабидан келиб чиқиб, шоирнинг диний-тасаввифий мавзуда-  
ти писъорлари таҳрирга учради, кисқартирилди. Ҳажвий асарлар матнидаги кучли ижтимоий таҳқиқидай  
байт на бандикор ҳам тушириб қолдирилди. Натижада, таҳрир килинган асарлар мазмун-моҳиятга  
вид талқин килинди.

**КАЛИТ СҮЗЛАР:** Сатира, нашр, шоир, мисра, байт, адабий мухит, услуб, талқин, таҳрир, кўлэз-  
ма, газал, шеър.

**АННОТАЦИЯ:** При сравнении и произведениях Мухаммад Аминхўжа Муқимий с его рукописями  
и реальной работой, наблюдались искажения. Поэтому что, во времена советского союза по идео-  
логическом вопросам написана была писателем стихотворение привело отредактировать. В сати-  
рических произведениях была украдена писателем отрывательное моментом пришло сократить. В  
результате отредактированное произведение неправильное в общих смыслах.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Сатира, редактирование, интерпретация, рукопись, газель, рефакция, поэт,  
строка, строфа, литература, стихотворение, стиль.

**ABSTRACT:** Comparing the current text of the works of Mohammad Aminkhoja Mukimi with handwriting  
byaz of poet do not correspond to the original. Because of the ideology of Soviet Union poet's poems  
on the religious and mystical nature have been amended and shortened. Strong social critical verses in  
the texts of comic works of poet were also dropped down. As a result, the edited work was interpreted  
against the essence.

**KEY WORDS:** poet, interpretation, line, gazelle, stophe, editing, literary environment, edition,  
manuscript, poems, satirical, style.

Миллий адабиётимиз тарихида Кўкон адабий мухитидан етишиб чиқсан ижодкорлар адабий мероси алоҳида ўрин тутади. Бу адабий мухитнинг забардаст намояндаси Муҳаммад Аминхўжа Муқимий асарлари хар дими мутахассислар диккат марказида бўлган. Мальумки, шоир ижод на- муналари юзасидан кўплаб тадқикотлар яратилган. Таассуфки, уларда Муқимий асарлари шуро дашири мағкураси талабига кўра бир томонлама талқин килинган. Натижада шоир назмий мероси ўзининг асосий моҳиятидан узоқлаштирилди. Яъни асарлари таҳрирга учради, кисқартирилди, манбаларда қолиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, шоир адабий меросини янгича мезонлар асосида холис ва ҳаққоний ўрганиш заруратини кун тартибида кўяди.

Шуро дашири мағкурасига кўра муқимийшунос олимлар тадқикотларида шоир ижодининг кўйидаги жиҳатлари атайлаб бузуб кўрсатилди. Биринчидан, шоирнинг диний-тасаввифий руҳдаги аксарият шеърий асарлари нашр атилмай қонди. Иккинчидан, Муқимийни бой, саидогар, қозилларга қарши қилиб кўрсатиш тадқикотлар учун устувор вазифа этиб белгиланди. Учинчидан, Муқимийнинг "Сарой адабиёти" ва аньналарига бўлган муносабати нотўри талқин килиниб, улардан синфиий кураш аломатлари изланди.

Шоирнинг турли жанрлардаги лирик шеърлари сингари "Дариғо мулкимиз", "ҳажвий Бектур-

бой", "Дар мазаммати замона", "Хўқандлик бир бойингашынига Муқимий шоирнинг айткон шеъридур", "Уруғ", "Вексил", "Дар мазаммати курбака", "Саёҳатнома" каби кўплаб ижтимоий-сиёсий мавзулардаги ҳажвий асарларининг таҳрир килиниб, кисқаршилар билан нашр этилиши буниг исботидир. Жумладан, Завқийнинг "Вексиль" сарлавҳали газалига Муқимий мухаммаси шоир асарлар тўпламишининг анг сўнгти нашрида (377-саҳифа) 5 банд ҳолда учради. ЎзФА ШИда сакланяётган 7521-раками Муқимий дастхат баёзининг 59а-саҳифасида эса 6 банд. Нашрдан тушириб қолдирилган банд куйидагича:

То ўтди Русиёга Фарғонанинг хирожи,  
Вожгун бўлуб Йиқилди хонларни таҳту тажи,  
Ҳар лаҳзай дигар кун гайби фалак мизожи,  
Қолди ривож олмай Хўқанд зарб ройижи,  
Бўлди заиф ислом, кофир замони чиқди.

Хуш, бу мухаммаснинг ёзилишига сабаб нима эди? Мальумки, чор Россияни ўзбек халқи бошига қанчадан-қанча оқир кунларни солди. Шундай экан, бу кулфатлар нафакат тарихчилар, балки давр шоирлари асарларида ҳам ҳаққоний тасвириланди. Муқимийнинг мазкур мухаммаси чор мустамлакачиларининг ўз манбаати йўлида юргизган пул ислохоти ҳақида эди. Нашрдан тушириб қолдирилган мисраларда чор мустамлакаси ўрнатган қонун-коидаларга қаратада айтилган шоир изтироблари акс этган эди. Умуман, мухаммасда

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

халқ пуллининг истемолдан чиқиши, натижада улуснинг таланиши, нарх-навонинг ошиши, саидо-содик ишларидаги тартибининг бузилиши хакида сўз юритилади.

Муқимийнинг "Туркистон вилоятининг газети" 1903 йил 15 январ, 2-сонида 31 байтли "хўқандлик бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айткон шеъридур" сарлавҳали ҳажий асари берилган. Негадир, барча Муқимий асарлар нашрида шеърнинг номланиши "Воқеаи кўр Ашурбой хожи" деб номланган. Муқимий асарлар нашрида шеърнинг 2-, 7-, 15-байти куйидагича берилган:

*Ашурбойдин эшитинг қиссае,  
Аё эй бу Фарғонада номдор.  
Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,  
Ашур кўр ўзи ҳам бўлуб бекарор.  
Секинроқ гапир, мен Ашурбой - деди.  
Кочиб ўлтурибман, сенга интизор.*

Мазкур байтларни "Туркистон вилоятининг газети"да эса бу гарзда ўқиймиз:

*Эшитинг ўшал бойдин қиссае,  
Аё эй бу Фарғонада номдор.  
Кўруб дедилар: бой экан, қочиринг,  
Оёгига кишин қочурурга озор.  
Секинроқ гапир, мен фалонбой - деди.  
Кочиб ўлтурибман, сенга интизор.*

Қўриниб турибдики, бирон жойда Ашурбой образи йўқ. Шеър мисралари ноширлар томонидан таҳрир қилиниб ўзгартирилган. Шундан сўнг, ҳажвий шеърга "Воқеаи кўр Ашурбой хожи" деб сарлавҳа кўйилган. Шеърнинг 26-байти шўро даври мағкурасига кўра куйидагича қайта ёзилган:

*Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,  
Топиб бой сўзи бунда зўр эътибор.*

Байт хакида адабиётшунос А.Абдуғафуров бундай ёзган эди: "Ушбу сатирада алоҳида диккатта сазовор яна бир байт бор. Унда шоир "бой сўзи" "зўр эътибор" топишининг асл сабабларидан бирита - пул, олтиннинг у тузумда ҳал қилувчи ролига энди, ишора этади. Ашурбой хожи "ғубор"ни ювииш учун барча амайдорга "ниҳоний" олтин-кумушлар ("сийму зар")ни "сув каби" ишлатади, пора беради" [1;14]. Бошқа муқимийшунослар фикри ҳам шунга мутаносиб. Аслида "Туркистон вилоятининг газети"да байт бундай эди:

*Эшонлар қолиб дукчини айбига,  
Бу одам уятига ахли тужкор.*

Бундай таҳрир қилиниб, мисралари қайта ёзилган шеърий асарлар Муқимий асарлар нашрида кўплаб учрашини таъкидлаш керак. Бундай ҳолни шоирнинг "Дар мазаммати замона" сарлавҳали ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеъри мисолида ҳам кузатиш мумкин. Афсуски, шеър матни Муқимий асарлари табдил нусхаларида 10 байт ҳолда бўлиб, 7 байти ташлаб кетилган. Бу эса шоирнинг чор мустамлакасига бўлган танқидий қарашининг яширилишига олиб келган. Мисол учун, ношрлардан тушариб қолдирилган шеърнинг 2-,

3-бўлиб келувчи байтлари ЎзФА ШИда сакланаетган Муқимийнинг 1325-ракамли дастхат баёзида (120 а - сахифа) куйидагича келади:

*Тўлиб черкас, қизилбош,  
арманилар шахримиз ичра,  
Мусулмонлар таҳипо  
яхшилар кўздин ниҳон бўлди.  
Ҳамият айлаб Аҳмаджон  
туриб тужкор ахлидин,  
Шижаотдин танида ҳар  
сари мўйи синон бўлди.*

Кўқон адабий мухити ижодкорларининг "Виктор" туркумидаги ҳажвий асарлари ҳам ўша давр манзаралари тасвирига каратиляган. Муқимий ҳам Завқий, Мухий, Зорий, Мұхәййир ва горий сингари бу мавзуда "Хажи Бектурбай", "Хажи Бектур", "Воқеаи Бектур" ҳажвий шеърларини ёзгани мутахассисларга маълум.

Қ.Каримов "Хажи Бектурбай" ҳажвиясининг ёнилиш тарихи, Бектурбай фирибгарликлари хакида сўз юритиб, Мұхийнинг мазкур туркумдаги шеъри хакида баҳсталаб фикрлар билдиради: "Мұхий сатирапи учун феодал-клерикал адабиётнинг ғоявий йўналиши, диний мазмун, панисломистик руҳ ҳосдир... Темани ишлашда, талқин килишда Муқимий Мұхийнга принципиал зид туради." [2; 200]. Изданишларимиз натижасида бундай бирёклама талқинлар асоссиз эканлигини кўрсатмоқда. "Муқимий асарлар тўплами"да "Хажи Бектурбай" ҳажшинси 4 банд бўлгани ҳолда 2 банди тушариб қолдирилган. Натижада асарнинг асосий ғояси сояд қолиб кетган. Аслида эса мазкур ҳажвия "Записки Восточного отделения императорского Русского Археологического общества" тўпламиининг 1894 йилдаги IX томида банд ҳолда учрайди. Муқимий асарлари нашрларидан тушариб қолдирилган бандлар куйидагича:

*Шиква қилсан жонзидир, замоналар на бўлди?*

*Ботил мазҳаб муревваж, мусулмонлар хор бўлди.*

*Бектур тутган ишига юрак-багрим қон бўлди,*

*Кимки санга пул берди,*

*кўт яхши деб қўл кўйди,*

*Бир умр ани иши армон экан, Бектурбай.*

*Бўлмас дуо ижобат бетақвоу бетоат,  
Кўрмас жэннат юзини ҳар кимда йўқ диснат,  
Мўмин куллар қилмайдур замонатга хиёнат,  
Арzon эмас беиллат, қиммат эмас беҳикмат,  
Ноинсоғу бставфик, олғон экан, Бектурбай.*

Шоир "Шиква қилсан жонзидир, замоналар на бўлди?" -дека ўша давр ижтимоий мухити, ундаги тартиб-қондалар тўғрисида, жамиятдаги чор ҳукумати ўрнатган адолатсизликлар хакида бонг уради. Мусулмонларнинг коғирлар зулмидан хор бўлиши-ю. Бектурнинг фирибгарликлари шоирнинг ҳакли эътирозига сабаб бўлади.

Адабиётшунос Р.Тожибосов ҳам "Хажи Бектур-

бой" мухаммасининг тушириб қолдирилган икки бандини келтириб, бундай ёзди: "Мазкур бандлар Муқимий асарларини нашрга тайёрлоечилор томонидан шоирнинг чоп этилган тўпламларига нега киритилмагани бизга каронгу. Тахминимизча, улардаги чор Россияси истилосига муносабат ("замоналар на бўлди?", Ботил мазхаб муравваж, мусулмонлар хор бўлди") фикрлар гоянишсиёсий жихатдан "аҳтиёткор" бўлган ноширларни чўчитган бўлиши мумкин" Муқимий ижодига бирёклама ёндашуни шоирнинг туркум ижтимоий-сиёсий мавзулардаги шеърий асарлари талқинида кўрамиз. Бу эса, Муқимийн бой, савдор, кози ва дин пешволарига қарши қилиб кўрса-тишда кузатилади. Мисол учун, шоирнинг "Саёхатнома" асари талқини бунинг исботидир. "Саёхатнома"нинг "Кўкондан Шохимардонга" қисми-нинг 8-банди барча Муқимий асарлари жорий нашрларида кўйидагича берилган:

**Унда бўлус гози деди,  
Ҳам муфти, ҳам қози деди,  
Юрт барча норози деди,  
Килғон иши озор экан.**

Мазкур банд талқини ҳақида дастлаб адабиёт-шунос Ҳ.Ёкубов бундай ёзган эди: "Шоир бу ердан Дўрманча мавзууга ўтади. Бу ернинг бўлуси ҳам Исо саркордан сира қолишмайди. У, эртаю кеч кўкнори ичиб, бадмаст ҳолда юради ва бир неча мансабни ўз кўлига киритиб олган." [3:99]. А.Абдуғафуров Фикри ҳам худди шундай: "гишлокудаги барча мансабларни эталлаб олган амалдорларнинг золимлиги, "озор" бериши, "юрт"нинг эса "норози"лиги каби катта ижтимоий мазмун кўидаги бандда тўғридан-тўғри яхлит ва дангал ифодаланган." [4:65]. Профессор F.Каримов эса мазкур банд талқинига батавсиллироқ тўхталади: "Дўрманча кишигининг ҳокими ҳам ярамас феълатвори билан ҳожи Исодан кролишмайди. Шулинг учун у ҳам Муқимий танқидидан омон қолмайди. Дўрманчада волость ҳокими ("бўлис бошлини") бўлиб турган гози исмли киши золимлик билан шуҳрат қозонган, эл-юрт нафратига учраган эди." [5:121].

Кўринадики, деярли муқимийшунос олимлар фикрлари бир хил. гандай қилиб бўлмасин кози, муфти, ҳожиларга салбий муносабат билдирилиш керак. Энди мазкур банднинг аслиятдаги (ЎзАШИда сакланётган 6352- рақамли баёс, 1816) бандини келтирамиз:

**Анда бўлус ҳожи деди,  
ҳам муфти ҳам қози деди,  
Юрти ҳамма рози деди,  
Бечора беозор экан.**

Умуман, давр талаби нуқтаи назаридан банднинг барча мисралари таҳрир қилинган. Натижада муаллифнинг муфти, ҳожи ва қозилар ҳақида ги рост гаплари ёғонга дўнган, матн аслиятдан мутлақ йироқлашган. Аслида эса мазкур бандда гози образининг ўзи йўқ.

Муқимийшунослар тилга олган бадкор ҳожи Исо ким? Бу саволга жавоб топиш учун мазкур асарнинг 5-бандига эътибор қаратамиз. Муқимий асарлари жорий нашрларида банд кўйдагича келади:

**Мингбошилик кимнинг иши,  
Десам, деди бедониши,  
Бир "Қўштегирмонлик" киши,  
Хўжа Исо бадкор экан.**

**Аслиятда:**

**Мингбошилик кимнинг иши,  
Десам, деди бир дониши,  
Бир "Қўштегирмонлик" киши,  
Хўжа Исо бекор экан.**

Таъкидлаш жоизки, Муқимий асарлар нашрнинг (Ғафур Ғулом. Муқимий. (Танланган асарлар). -Т.: Ўздашашр, 1942. -Б.149) баъзиларида 4-мисраси "Хўжа Исо саркор экан" шаклида учрайди. Кўринадики, банднинг 2-мисрасидаги "бир до-ниши" сўзининг "бедониши"га айлантирилиши муаллиф бадий нияти бутунлай тескари талқин этилишига олиб келган. 4-мисрадаги "бекор" сўзи "бадкор", "саркор" тарзида таҳрир қилиниши мисралар мазмунинг мос эмас. Банд мисралари мазмунидан маълумки, Муқимий сўраяти. Бу жойнинг мингбошиси ким? Шунда бир дониш одам бир "Қўштегирмонлик" киши эканлигини айтаб, Хўжа Исо мингбошилик лавозимидан бўшагани таъкидланмоқда.

Хулас, Муқимийнинг "Ваксиль" мухаммаси ўз моҳиятидан узоқлаштирилиб талқин этилганлиги, "Дар мазаммати замона", "Саёхатнома", "Хўкандлик" бир бойнинг шаънига Муқимий шоирнинг айткон шеъридур", "Ҳажви Бектурбой" сарлавҳали асарлари матни таҳрир қилиниб, жорий нашрлардан тушириб қолдирилган бандлари янгича мулоҳаза юритиш, муҳим умумлашма хуласалар чиқариш имконини беради.

#### REFERENCE:

1. Абдуғафуров А. Муқимий сатираси. Ташкент: Фэн, 1976. Б. 14.
2. Каримов F. Муқимий хаёти ва ижоди. (Монография). - Т.: Адабиёт ва санъат нашрети, 1970. Б.200.
3. Екубов X. Демократ шоир // Шарқ юлози. 1953 №9. Б. 99.
4. Абдуғафуров А. Муқимий сатираси. - Т.: Фэн, 1976. Б.65.
5. Каримов F. Ўзбек адабиёти тарихи. - Т.: Ўзитувчи, 1987. Б. 121.